
Риштонда янги оилавий шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди

Риштон тумани тиббиёт бирлашмаси тизимида Ёйилма оилавий шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди.

Туман марказидан 25 километр олис масофада жойлашган мазкур тиббиёт муассасаси Тўлқин, Бодомзор, Ёйилма, Чўмбоғиш, Навбахор маҳалласида яшовчи 6800 нафардан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида қуриб фойдаланишга топширилган мазкур оилавий шифокорлик пунктини барпо этиш учун 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. 14 та хонадан иборат тиббиёт масканида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган барча имкониятлар етарли. Аёллар, болалар ва кексалар учун алоҳида хоналар, шунингдек, стоматология бўлими, лаборатория, кундузги стационар ҳам мавжуд.

2022-04-13 06:30:19